

9. *Fitrat.uz.* (2018). *Ishlar maqsadlarga bog'liqdir.*  
<https://fitrat.uz/archives/4583>
10. *Islomov A., Egamov E. Iqtisodiy ta'limotlar tarixi. Toshkent: O'zbekiston Fanlar akademiyasi, 2003, 76-b.*
11. *Uzlan va boshq. (2022). Comparative Study of Market Mechanism. DOI: https://doi.org/10.33650/ijed.v1i2.5827*

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШДА КОМПЛАЕНС ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ**

**Зокиров Исмоилжон Иброхимович**

*“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ етакчи менежери  
Мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация.** *Мазкур тезисда тижорат банкларида молиявий жиноятлар хавфини камайтиришда комплаенс фаолиятининг ўрни ва аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Рақамли молиявий хизматлар кенгайиши шароитида пул ювиш, терроризмни молиялаштириш ва фирибгарлик билан боғлиқ рискларни бошқариш механизмлари ўрганилган. Рискка асосланган ёндашув, мижозларни сегментация қилиш ва автоматлаштирилган мониторинг тизимларининг самарадорлиги асослаб берилган. Комплаенс тизимини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *комплаенс, молиявий жиноятлар, риск, пул ювиш, терроризмни молиялаштириш, ички назорат, банк назорати, рискка асосланган ёндашув.*

Жаҳон молия тизимида рақамли трансформация жараёнларининг жадаллашуви тижорат банклари фаолиятида янги имкониятлар билан бирга янги хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда. Айниқса, онлайн-тўловлар, масофавий идентификация ва электрон пул ўтказмалари ҳажмининг ўсиши молиявий жиноятлар хавфини оширмоқда.

Бундай шароитда банкларда комплаенс назоратини кучайтириш, унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Комплаенс фаолияти банкнинг барқарорлиги ва ишончилигини таъминловчи муҳим институционал омил сифатида намоён бўлади.

Молиявий жиноятлар – бу молиявий ресурслардан ноқонуний фойдаланиш, уларни яшириш ёки қонунийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуасидир. Уларга пул ювиш, терроризмни молиялаштириш, коррупция, ички фирибгарлик ва кибержиноятлар киради.

Риск тушунчаси эҳтимолий йўқотишлар ва салбий оқибатлар эҳтимоли билан боғлиқ. Банк амалиётида молиявий жиноятлар хавфи операцион,

ҳуқуқий ва репутацион рискларни келтириб чиқаради. Шу боис, мазкур рискларни аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш банк бошқарувининг устувор вазифаси ҳисобланади.

Комплаенс — бу банк фаолиятининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, регулятор талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган мустақил назорат функциясидир.

Комплаенс тизими қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

- ички сиёсат ва тартиб-таомиллар;
- мижозларни идентификация қилиш (KYC) жараёни;
- операцияларни доимий мониторинг қилиш;
- шубҳали операциялар бўйича ҳисобот бериш;
- ходимларни мунтазам ўқитиш.

Рискка асосланган ёндашув (Risk-Based Approach) комплаенс тизимининг асосий тамойили бўлиб, мижозлар ва операцияларни уларнинг хавф даражасига кўра тоифалашни назарда тутди. Бу эса назорат ресурсларини самарали тақсимлаш имконини беради.

Комплаенс тизимининг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Автоматлаштирилган мониторинг тизимлари. Замонавий ахборот технологиялари асосида операцияларни реал вақт режимида кузатиш имкони яратилади.

2. Ходимлар малакасини ошириш. Комплаенс мутахассисларининг касбий тайёргарлиги рискларни аниқлаш сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

3. Ички аудит ва назоратни кучайтириш. Мустақил баҳолаш механизмлари комплаенс тизими самарадорлигини таъминлайди.

4. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш. Банк раҳбарияти томонидан “комплаенс маданияти”ни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, тижорат банкларида молиявий жиноятлар хавфини камайтиришда комплаенс фаолияти фақат назорат функцияси эмас, балки стратегик бошқарув инструменти сифатида намоён бўлади. Рақамли банк хизматлари кенгайиши, масофавий идентификация ва финтех интеграциялари ортиши шароитида молиявий жиноятлар хавфи анъанавий шакллардан кўра мураккаб ва яширин тус олмоқда. Бу эса комплаенс тизимини формал талаблар доирасида эмас, балки рискларни олдиндан аниқлаш ва профилактик бошқариш механизми сифатида ташкил этишни талаб қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, комплаенс тизимининг самарадорлиги учта асосий мезон орқали намоён бўлади:

1. Профилактик таъсир – рискка асосланган ёндашув орқали юқори хавфли мижозлар ва операцияларни эрта босқичда аниқлаш имконияти яратилади. Бу молиявий йўқотишлар, жарималар ва репутацион зарарларнинг олдини олади.

2. Институционал барқарорлик – комплаенсинг корпоратив бошқарув тизимига интеграция қилиниши банк раҳбарияти қарорларининг шаффофлиги ва масъулиятини оширади.

3. Регулятор ишончини мустаҳкамлаш – миллий ва халқаро стандартларга мувофиқлик банкнинг инвестицион жозибадорлиги ва халқаро молиявий муносабатлардаги нуфузини оширади.

Халқаро амалиёт, хусусан Basel Committee on Banking Supervision тавсиялари комплаенс функциясининг мустақиллиги ва тўғридан-тўғри кузатув кенгашига ҳисобдор бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, Financial Action Task Force стандартларида рискка асосланган ёндашув пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг асосий тамойили сифатида белгиланган. Бу эса миллий банк тизимида комплаенс институционал даражада мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, комплаенс самарадорлиги фақат текширувлар сони билан эмас, балки аниқланган хавфларнинг олдини олиш даражаси, шубҳали операцияларни барвақт тўхтатиш ва ички назорат тизимининг узлуксизлиги билан баҳоланиши лозим. Демак, комплаенс – банк барқарорлигини таъминловчи стратегик ҳимоя механизми ҳисобланади.

Қуйидаги таклифлар илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқилди:

1. Комплаенс самарадорлигини баҳолаш учун интеграл КРІ тизимини жорий этиш

Асос: ҳозирги амалиётда комплаенс фаолияти кўпинча формал ҳисобот кўрсаткичлари билан баҳоланади. Таклиф:

- шубҳали операцияларни аниқлаш тезлиги;
- юқори рискли мижозлар улуши динамикаси;
- ички қоидабузарликлар камайиш коэффициенти;
- регулятор томонидан қўлланилган санкциялар сони; каби кўрсаткичлар асосида интеграл баҳолаш индекси ишлаб чиқиш.

Бу комплаенс натижага йўналтирилган бошқарув инструментида айлантиради.

2. Сунъий интеллект ва машинали ўқитиш технологияларини жорий этиш

Асос: анъанавий мониторинг тизимлари катта ҳажмдаги транзакцияларни таҳлил қилишда самарадорликни йўқотади. Таклиф:

- аномалияларни автоматик аниқлаш алгоритмлари;
- мижоз хатти-ҳаракатларини моделлаштириш;
- real-time risk scoring тизимларини жорий этиш.

Бу инсон омили таъсирини камайтириб, хавфларни эрта босқичда аниқлаш имконини беради.

3. **Комплаенс функциясининг институционал мустақиллигини кучайтириш**

Асос: комплаенснинг операцион бўлинмаларга бўйсунуви манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин. Таклиф:

- комплаенс раҳбарини кузатув кенгашига тўғридан-тўғри ҳисобдор қилиш;

- бюджет ва кадрлар масаласида мустақил ваколат бериш.

Бу халқаро стандартларга мувофиқликни таъминлайди.

4. **Риск сегментациясини динамик моделга ўтказиш**

Асос: мижоз риск профили вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Таклиф:

- автоматик қайта баҳолаш механизмларини жорий этиш;

- соҳавий ва географик риск коэффицентларини мунтазам янгилаш.

Бу статик эмас, балки адаптив комплаенс моделини шакллантиради.

5. **Миллий даражада маълумот алмашинув платформасини яратиш**

Асос: молиявий жиноятлар кўп ҳолларда бир нечта банк орқали амалга оширилади. Таклиф:

- банклар ўртасида шубҳали операциялар бўйича ахборот алмашишнинг ягона рақамли платформасини яратиш;

- регулятор иштирокида ягона риск реестри шакллантириш.

Бу тизимли хавфларни камайтиришга хизмат қилади.

Комплаенс тизими тижорат банкларида молиявий жиноятлар хавфини пасайтиришнинг асосий институционал механизми ҳисобланади. Уни формал назорат воситасидан стратегик риск-менежмент тизимига айлантириш орқали банк барқарорлиги, инвестицион жозибadorлиги ва халқаро нуфузини мустаҳкамлаш мумкин.

Шунингдек, комплаенс рақамли технологиялар билан интеграция қилиш, унинг мустақиллигини таъминлаш ва натижавий баҳолаш тизимини жорий этиш молиявий барқарорликни таъминлашнинг устувор йўналиши сифатида хизмат қилади.

### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. *Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.*

2. *Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.*

3. *Basel Committee on Banking Supervision. Compliance and the compliance function in banks. – Basel, 2005.*

4. *FATF. International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation. – Paris, 2012 (updated).*

5. *Hull J. C. Risk Management and Financial Institutions. – Wiley, 2018.*

6. Rose P., Hudgins S. *Bank Management and Financial Services*. – McGraw-Hill, 2013.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг комплаенс ва ички назорат бўйича меъёрий ҳужжатлари.

## RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA O'ZBEKISTON UY-JOY BOZORIDA MOLIYAVIY PUFAK XAVFINI BAHOLASH INDEKSI VA MONITORING TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

**Botirov Islombek Ulug'bek o'g'li**

*“International School of Finance Technology and Science” instituti  
mustaqil izlanuvchisi*

**Annotatsiya:** Ushbu tezisda O'zbekiston uy-joy bozorida moliyaviy pufak xavfini erta aniqlash va tijorat banklari tizimining tizimli xatarlarini oldini olishga qaratilgan yangi metodologik yondashuvni taklif etiladi. Xalqaro ilg'or tajribalar (UBS Global Real Estate Bubble Index, GSADF testi, kompozit indeks modellarini) asosida ishlab chiqilib Pufak Xavfi Indeksi (PXI) O'zbekiston sharoitiga moslashtirish orqali real vaqt rejimida faoliyat yurituvchi raqamli monitoring tizimi bilan integratsiya qilish borasida ilmiy tadqiqotlar amalga oshiriladi.

**Kalit so'zlar:** Pufak xavfi indeksi (PXI), global real estate bubble index (GREBI) – xalqaro moliyaviy pufak xavfi indeksi, price-to-income (PI) – narx daromad nisbati, price-to-rent (PR) – narx daromad nisbati, non performing loan (NPL) – muommoli kreditlar, capital adequacy ratio (CAR) – kapital yetarlilik.

Hozirgi davrda xalqaro moliya bozorlarida shakllanayotgan moliyaviy pufaklar global iqtisodiyot barqarorligi uchun muhim xavf omiliga aylanmoqda. Uy-joy bozoridagi narxlarning fundamental iqtisodiy ko'rsatkichlardan – masalan, aholining daromadi, ijara daromadlari, inflyatsiya darajasi va kredit sharoitlaridan – uzoqlashishi bank tizimiga, ayniqsa, tijorat banklarining kredit portfeliga, likvidligiga va kapital yetarliligiga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda. Bu jarayon nafaqat mahalliy iqtisodiyotlarda, balki butun global moliyaviy tizimda zanjir reaksiyasini keltirib chiqarishi mumkin, chunki uy-joy aktivlari banklarning asosiy aktivlaridan biri hisoblanadi va ularning qiymati pasayishi NPL (non-performing loans – muammoli kreditlar) darajasini oshirib, likvidlik inqirozlariga olib keladi. 2008-yilgi global moliyaviy inqiroz, AQShning ipoteka bozoridagi nomutanosibliklar natijasida bank tizimida zanjir reaksiyasiga olib kelganligi bilan, moliyaviy pufaklarning halokatli oqibatlarini yaqqol ko'rsatdi.<sup>256</sup> Ayniqsa, pandemiyadan keyingi davrda jahonning asosiy hududlarida - AQSh, Yevropa Ittifoqi, Janubiy Koreya, Turkiya va Xitoyda - uy-joy bozorida aktivlar bahosining iqtisodiy asoslardan uzilishi natijasida tizimli moliyaviy pufak xavflari keskin ortdi. Xalqaro Valyuta Jamg'armasi (IMF) 2022–2024 yillar hisobotiga

<sup>256</sup> <https://press.princeton.edu/books/paperback/9780691173122/irrational-exuberance?>